

## КЎП ТАРМОҚЛИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИНИНГ ЭШИТИШДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ОИЛАСИ БИЛАН ХАМКОРЛИГИ

**М.Р.Пўлатхўжаева**

*Низмий номидаги ТДПУ доценти*

Мактабгача ёшдаги эшитишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялашда дефектолог ва сурдопедагогларни хамкорликда ота – оналар билан ишлаши – махсус мактабгача таълим ташкилоти муассаса маъмурияти ва сурдопедагогларининг муҳим вазифаларидан саналади. Бу каби ишларни амалга оширишда нафақат касбий саводхонлик, балки деликатлик, такт ва ҳамдардлик, шунингдек изчиллик ва қатъият намоён қилиш талаб этилади. Шубҳасиз, эшитишида нуқсони бўлган болани тарбиялашда дефектолог ва сурдопедагогни ўзаро хамкорлиги ота – оналар билан ишлаши натижасида ота – оналарнинг фарзанд тарбияси билан системали шуғулланиш, унинг таълимида қатнашиш истаги, кўп жиҳатдан дефектологларнинг ота – оналар билан шахсий ва иш тартибидан алоқаларни йўлга қўя олиши, ўзининг болалар билан ишлаши намунаси билан қизиқтира олиши, турли йўналишлардаги иш метод ва усулларини қулай шаклда тушунтириши ва намоёни этиб бериши билан боғлиқ эшитишида нуқсони бўлган болани тарбиялашда дефектолог ва сурдопедагогларини ота-оналар билан ўзаро хамкорлигидаги таълимий-тарбиявий ишларнинг коррекцион хусусиятлари эшитишида нуқсони бўлган болани ўз-ўзига хизмат, меҳнат малакаларни ва оғзаки нутқини ривожлантиришни кўзда тутиши далилланди.

Махсус таълим тизимидаги ўқув жараёнини дефектолог ва сурдопедагогларини ота-оналар билан ўзаро хамкорлиги асосида таҳлил этиш эшитишида нуқсони бўлган болалар билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга қулай шарт-шароит яратади.

Мактабгача таълим ташкилоти фаолиятида ота – оналар билан ишлашнинг жамоавий шаклларида ҳам фойдаланилади. Буларга умумий ва гуруҳ ота – оналар мажлислари, лекторийлар, «давра суҳбатлари», ота – оналар конференциялари, болалар билан ишлашда тажриба алмашиш бўйича семинарлар, гуруҳда консультациялар, очиқ эшиклар куни, болалар ишлари кўргазмалари, байрам ва эрталиклар, муассаса ва гуруҳ тадбирларида ота – оналарнинг иштироки ва ш.к. ни киритиш мумкин.

Ота – оналар мажлиси кенг тарқалган иш шаклларида бири саналади. Мажлис умумий - бутун мт ёки тарбиячилар ота – оналари учун бўлиши мумкин. Умумий ота – оналар мажлислари йилига 2 – 3 марта, маъмуриятнинг маълум вақт оралиғидаги фаолият тўғрисидаги ҳисоботи, ота – оналар қўмитасининг ҳисоботи тингланади. Ота – оналар учун қизиқарли мавзуларда, маърузалар қилинади.

Гуруҳ ота – оналар йиғилишларида шу гуруҳ ота – оналари учун долзарб масалалар муҳокама қилинади. Тарбиячи ва дефектолог ҳамкорликда ота – оналарни болалар тарбияси ва таълимнинг турли йўналишларига оид ишлар мазмуни билан қулай ва тушунарли тарзда таништиради. Болаларнинг оиладаги тарбияси ҳақидаги ахборотлар, масалан, Махсус мтда болалар учун кун тартибини ташкил қилиш», «Болаларда маданий – гигиеник кўникмаларни тарбиялаш» ва ш.к. билан чиқадиган тарбиячиларнинг иштироки муҳим саналади. Ота – оналар мажлисида педагоглар таълимнинг натижаллиги, турли йўналишлардаги иш натижалари ҳақида ота – оналарга маълум қилади. Болалар билан иш самарадорлигини тавсифлаётиб, эътиборни қийинчиликларга, бола ривожланишидаги салбий томонларга қаратмасдан, балки боланинг имкониятлари, унинг, унинг таълимда илгарилар боришини кўрсатиб бериш муҳим. Бола билан ишдаги қийинчиликларни ота – оналар билан яқка тартибдаги суҳбатларда очиб берган, муҳими ота – оналар бу қийинчиликларни бартараф этиш учун нима қила олишларини кўрсатиб берган маъқул. Шунингдек педагоглар муҳокама мавзусига оид ота – оналар учун қулай, тушунарли адабиётларни тавсия қилишлари, уни ўқиганда нималарга эътиборни қаратиш лозимлигини тушунтиришлари зарур. Ота – оналар мажлисларига ота – оналар иштирокида тайёрланган болаларнинг ишлари, расмлари кўргазмасини тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Махсус МТда ходимларининг энг муҳим вазифаси болалар, дефектолог, педагоглар ва ота – оналарнинг ягона жамоасини шакллантириш саналади. Ишонч, бола тақдири ҳақида умумий ғамхўрликни кўп тармоқли мтда умумий байрамларни ўтказиш, болаларнинг туғилган кунларини уйда ёки кўп тармоқли мтда нишонлаш, ишлари кўргазмаларини ташкил қилиш, биргаликдаги сайр ва саёҳатлар каби норасмий воқеаларни ташкил қилиш ҳисобига шакллантириш мумкин. Ота – оналар билан ишларнинг яна бир муҳим ва қизиқарли шакли боғчада ўтказиладиган эрталиклар, байрамларга ота – оналарни таклиф қилиш саналади. Ота – оналар ўз фарзандини байрамона шароитда кўришлари, мусиқий тарбия, нутқ ўстириш бўйича

ишларнинг натижаларини кўриши, ижобий таассуроилар олиши муҳим. Болалар учун ота – оналари билан бирга куйлаган, рақсга тушган байрамлар янада қизиқарли. Байрамларда иштирокдан ташқари, ота – оналарни сайр ва саёҳатларни ташкил қилишга, болаларнинг фото ва видеотавсирга олишни ташкил қилишга жалб этиш мумкин. Ота – оналар педагогларга дидактик материалларни (табличкалар, қўлбола китобчалар, дидактик ўйинлар) тайёрлашда, методик материалларни кўпайтиришда кўмаклашишлари мумкин.

Ота – оналар билан иш шаклларида бири турли кўргазмали материаллар: болалар ишлари кўргазмалари, ахборот стендларини – ота – оналар бурчагини жиҳозлаш саналади. Болалар фаолият маҳсули – расмлар, панно ва аппликациялар ва б. билан танишиш ота – оналарда ижобий таассурот уйғотади. Педагог ва дефектологнинг боли ишини намойиш ва муҳокама қилиш вақтидаги маслаҳатлари бу йўналишдаги ишни уйда ҳам ташкил қилиш имконини беради. Бола ишларини тарбиячининг шарҳисиз намойиш қилиш кўп ҳам самара бермайди, чунки ота – оналар ишнинг вазифаси, боланинг шу ишни бажариш давомида мустақиллик даражасини ҳамма вақт ҳам тушуниб етмайди. Бола иши муҳокамаси чоғида боланинг ривожланганини кўрсатиш, уни боланинг, синфда сақланаётган, олдинги ишлари билан таққослаш муҳим.

Дефектолог ва сурдопедагогни эшитишида нуқсони бўлган болалар ота – оналар билан ишларни олиб боришда изчиллик, системалилик, уларнинг реал имкониятларини ҳисобга олиш жуда муҳим. Дефектолог ва сурдопедагогни ота – оналарнинг ўзаро тушуниши, ҳамкорликдаги иштироки ва фаоллиги ривожлантирувчи ва коррекцион ишларнинг умумий натижасини кўп жиҳатдан белгилайди. Мактабгача таълим ташкилотларида эшитишида нуқсони бўлган болаларни мактаб таълимига тайёрлаш дастурда кўрсатилган машғулотлада, болаларни нутқини ривожлантириш, сенсорикасини ривожлантириш, билиш жараёнларини ривожлантиришда, ота-оналар билан ҳамкорлик ишлари мунтазам олиб борилса, самарали натижаларга эришилади.

Мактабгача гуруҳлар дастури умумий дидактик ва ва махсус тамойиллар асосида тузилган бўлиб, қар болаларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбиясини таъминловчи тасаввур, билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришни назарда тутди. Дастур қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

1) Жисмоний тарбия

2) Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва маданий-гигиеник малакаларни шакллантириш

3) Ўйин

4) Теварак атроф билан таништириш ва мавсумий ўзгаришларни кузатиш.

5) Предмет амалий таълим ва тасвирий фаолият.

6) Сўзли нутқни шакллантириш

7) Эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффуз .

8) Математик тасаввурларни шакллантириш.

Дастур бўлимларининг ўртасида узвийлик ўрнатилиб, ўрганилаётган материал кўп такрорланиб боради. Мактабгача гуруҳларда предмет амалий таълим ва тасвирий фаолият етакчи бўлим ҳисобланиб, болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва нутқининг мулоқот воситасида шаклланишига хизмат қилади. Дастурда болалар нутқини ўстиришга амалий ёндашув татбиқ этилади, яъни, болаларнинг нутқи турли фаолиятлари жараёнида ҳамда нутқий фаолиятнинг ҳар хил турлари: гапириш, ёзув, дактиллаш, эшитиш, эшитиб кўришдан кенг фойдаланган ҳолда ривожлантирилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Е.Г.Голович. Дошкольная сурдопедогогика. Москва :Владос 2005
2. Боскис Р.М Глухие и слабослышащие дети. М., 2003 г.
3. Власова. Т.А. О влиянии нарушения слуха на развитие ребенка. М., 2004.
4. По'latxo'jayeva M.R. Defektologiyaning klinik asoslari. O'quv darslik. T., TDPU – 2013.
5. Rustamovna, P. M. (2022, December). Infectious Diseases of the Nervous System In Children And Its Complications. In Conference Zone (pp. 168-174).
6. Po'Latkhodjaeva, M. R. (2022). Effective Ways of Rehabilitation Work with Children with Cochlear Implants. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 9, 479-481.
7. Пўлатхўжаева, М. Р. (2021). БОЛАЛИК ДАВРИДА УЧРАЙДИГАН БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛАРИ ВА УНИНГ АСОРАТЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2(10), 1124-1128.